Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА. № 22 (770).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

Навоий шаҳар ҳокимлиги қошидаги ахборот ва таҳлил гуруҳининг мақсади—халқ билан очиқ мулоқот

1992 йилнинг май ойида Навоий шаҳар ҳокимлиги қошида ахборот ва таҳлил гуруҳи ташкил этилган эди. Янги хизмат соҳаси халқ билан очиқ мулоқотлар уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Унга ҳоким ва унинг муовинлари етакчилик қила бошладилар.

Ахборот гуруҳи таркибига шаҳар қурилиш, саноат, маданият, савдо, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари киритилди. Меҳнат жамоаларида ўтадиган учрашувларда гуруҳ раҳбарлари ҳокимлик томонидан бажарилаётган ишлар ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар ҳақида маълумотлар берадилар. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчидан, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун шаҳар ҳокими ҳамда унинг ўринбосарларига, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига ўз фикрлари, таклифлари ва ҳатто эътирозларини айтиш имконияти туғилади. Натижада муаммоларга ечим, саволларга жавоб топилиб, кўпгина келишмовчиликлар жойида ҳал бўла бошлади.

— Биз, ахборот ва таҳлил гуруҳи аъзолари шаҳардаги деярли барча саноат, қурилиш, маданият ва маориф масканларида ҳар иккала томон учун фойдали бўлган учрашувлар ўтказдик, — дейди шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Айниқса, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоиазот», Навоий қурилиш бошқармаси ва дон маҳсулотлари корхонасида бўлиб ўтган учрашувлар бизнинг кўп соҳада қатъият билан иш юритишимизга туртки бўлди.

Тўғри, ахборот гуруҳи аъзолари учрашувларда аҳолидан тушган барча саволларга ўша жойнинг ўзида жавоб бера олмасликлари ҳам мумкин. Ана шундай саволлар гуруҳ аъзолари томонидан ёзиб олиниб, ахборот ва таҳлил хизмати бюроси томонидан назоратга олинади. Шундан кейин жавоб кутаётган фуқарога гуруҳ аъзолари ёки ҳоким, унинг ўринбосарларидан бирининг жавоб хати етказилади.

— Ой сайин бўладиган учрашувларда бизга аҳоли томонидан юзлаб саволлар тушмоқда, — дейди гуруҳ мутахассиси Улуғбек Сатторов. — Лекин бирорта савол ёки таклиф эътиборсиз қолдирилган эмас. Кейинги пайтларда гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорларини халққа етказишда ҳам кўп иш қилмоқдалар. Чунки аксарият ҳолларда қонунларни пухта билмаслик оқибатида тушунмовчиликлар, эътирозлар пайдо бўлиши мумкин. Мақсад эътирозларга ўрин қолдирмасликдан иборат. Ҳокимликнинг эса халқдан яширадиган гапи йўқ.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Италия ҳамкорлигидаги «Совпластитал» корхонасида кенг миқёсда халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқариш билан бирга «болалар дунёси» учун ҳам маҳсулот тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Корхонанинг мўйқалам ижодкорлари саъй-ҳаракатлари билан бу ерда юздан ортиқ турдаги ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Ҳозирда бу маҳсулотлар Тошкент, Москва каби йирик шаҳарлардаги фирма дўконлар орқали харидорларга етказиб бериляпти.

Суратда: ўйинчоқларга ранг бериш цехида.

А. ИВАНОВ олган сурат. (ЎзА).

ЯНГИЛИКЛАР

ХЎЖАЛИКНИНГ ЎЗ ФАБРИКАСИ БОР

ҒУЗОР туманидаги Улуғбек номли жамоа-ширкат хўжалигида тўқимачилик фабрикаси қурилмоқда.

ФАБРИКА учун дастгоҳлар, ускуна ва жиҳозларни «Ўзбекмашхлопткан» концерни етказиб беради. Қурилиш ишлари хўжалик ҳисобидан бажарилади.

Корхона битгач, 600 нафар қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланади. Етиштирилган пахта хом ашёси тайёр маҳсулот сифатида четга чиқариладиган бўлади.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МУСКАТ»У «АРМУҒОН» ҚАДОҚЛАНА БОШЛАНДИ

ҚИЗИЛТЕПА туманининг «Қуйимозор» давлат хўжалигидаги вино заводида тайёр маҳсулотларни идишларга қуйиш цехи ишга туширилди. «Мускат», «Армуғон» каби ўндан зиёд турдаги вино ичимлиги қадоқланиб, савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

Давлат хўжалиги директори Ибодулла Муқимовнинг айтишича, 1994 йилдан бошлаб заводда арақ ва турли чанқовбосди ичимликлар ҳам чиқарилади.

И. ХУДОЙҚУЛОВ.

БОРДИ-КЕЛДИ ҚУРУҚ БЎЛМАГАНИ ЯХШИ

ТИЖЖОР учун давлат чегаралари ҳам ғоят муваққатдир. Денов туманидаги «Парвоз» ҳиссадорлик жамияти бир неча йиллардан бери Россиядаги Кемерово вилояти билан борди-келди қилади. Деновликлар ўзларидан орттириб сабзавот ва ҳўл мева жўнатадилар, у ёқдан эса, табиийки, идишлар бўш қайтмайди.

Бундан бир неча ой илгари «Парвоз»нинг тадбиркорлари Кемеровога 60 тонна пиёз, 10 тонна анор, 5 тонна хурмо, 5 тонна узум жўнатишган эди. Эвазига у ёқдан 5000 дона шифер, 60 тонна темир қувур, 300 тонна картошка олиб келишди.

«Парвоз»нинг раиси Дамин Муродовнинг айтишича, яқинда Кемероводан бир вагон плёнка, 2 вагон ёғоч келиши кутилмоқда.

Юртни ана шундай тижжорлар обод қилади, аслида.

Т. РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш республика давлат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш юзасидан давлат дастури ва уни бажариш тартиби ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар лотин алифбосига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мустақил ўрганувчилар учун махсус қўлланмалар, дарсликлар нашр этишни жадаллаштириш хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда республика Фанлар академияси, халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

(ЎзА).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

САЙХУНОБОДДА—ҚАНД ЗАВОДИ

ҲАДЕМАЙ, Сайхунобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмасида қанд заводи қурилиши бошланади. Йил охиригача ишга туширилади заводга Сайхунобод ва қўшни туманларнинг хўжаликлари хом ашё — лавлаги етказиб беради. Шу йилнинг ўзида «Пахтакор» ширкат уюшмаси ва бошқа бир неча хўжаликларда қандлавлаги экиш мўлжалланаётир.

БОЗОРДА—МЕҲМОНХОНА

ГУЛИСТОН шаҳридаги марказий бозорда савдо-сотиқ қилаётган кишиларга қулайлик яратиш мақсадида меҳмонхона очилди. Энди узоқ шаҳар ва қишлоқлардан келган деҳқонлару тижоратчилар 42 ўринли «Деҳқонлар уйи»да тунайверишади. Меҳмонхона миллий меъморчилик усулида қурилди.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЁРДАМЧИСИ

ХОВОС туманидаги Бобур номли ширкатлар уюшмасида очилган «Мустақиллик» кичик корхонаси боғбонларнинг ишончли ёрдамчисига айланди. У ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиш билан шуғулланади.

Ўтган йили шу усул қўлланилгани боис мевачева мўл бўлди. Айниқса, заҳарли кимёвий дорилардан фойдаланиш кескин камайди.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Нажотталаб мактублар*

Ё кўчамизда балиқ боқайликми?

Биз, Бухоро шаҳридаги Бўйрабоф маҳалласининг Пионер кўчасида яшовчи қариялар дардимизни тинглайдиган одам тополмай оворамиз. Сабаби...

Ўтган йил куз серёғин келиб, қиш ҳам эрта тушди. Ҳеч қачон ноябрь ойида об-ҳаво бунчалик инжиқ келмаган эди. Уй-жойи иссиқ, умуман шароити борларга бунинг фарқи йўқ. Бизнинг маҳалламиз ҳақида эса, бундай деб бўлмайди. Кўчамиз чуқурликда жойлашгани учун ёмғир ёққан пайтлар ёки қор эриганда барча қўшни кўчалардаги сувлар оқиб келиб бизда тўпланиб қолади. Ҳатто, баъзан уйларимизнинг ичигача сув босади. Бу хароб аҳволимизни тасвирларга ҳам туширib қўйганмиз.

Биз бир неча марта туман ва шаҳар ҳокимларига мурожаат қилдик. Афсуски, додимиз ҳеч кимнинг юрагини юмшатолмаяпти. Тўғри, сув тўпланиб қоладиган жойга бир марта 50 метрли қувур ташланиб, уни канализацияга уладилар. Лекин бу ҳам уч ой ишлаб, сўнг тўхтаб қолди. Шундан кейин яна бормаган жойимиз, кирмаган эшигимиз қолмади. Охири кўчамиздаги сувни машинада тортиб чиқаришдек зўрма-зўраки усулни ўйлаб топдилар. Билмадик, кимдир бу «юксак» ихтироси учун мукофот ҳам олгандир.

Маҳаллий раҳбарларга «машинада сувни чиқариб ташлаш самарасиз, ҳамма жойни сув босгандан кейин унинг нима кераги бор, яхшиси канализацияни тузатиб беринглар» десак, улар «бунга катта маблағ керак», дейишяпти. Ахир машинада сувни чиқариб ташлаш учун ҳам қанча ёнилғи, ишчи кучи, эҳтиёт қисмлар сарф бўлади-ку? Яна бу ҳолат йил бўйи неча бор такрорланишини ҳисобга олинг. Шундай экан, уларга сарф этиладиган харажатлардан кўра канализацияни тузатиш қулайроқ эмасми? Сарсонлигу оворагарчиликларнинг охири борми? Ёки кўчамизда балиқ боқайликми?

Ниёз ГУЛОВ, Қодир РАҲМОНОВ, Жума ШЕРМУРОДОВ, Ватан уруши қатнашчилари (жами 9 имзо).

ХАЛҚОБОДГА... БОРГИЛИК ҚИЛМАСИН

Биламан, сизга эриш туюляпти. Халқобод — Музрабод туманининг маркази. Айтинг-айтинг, Халқободга боргилик қилмасин.

Бироқ...

Нега дейсизми? У томонларга боришнинг имкони бўлмагач, начора.

Техника асрида-я, демоқчисиз. Афсуски, ҳа! Техника асрида Музробод тумани ҳудудидаги қишлоқлардан Халқободга автобус қатнови жуда ёмон. Автокорхона раҳбарлари одамларнинг узоғини яқин қилишнимас, киссалару кассаларини қаппайтиришни ўйлаяптилар. Узоқ йўналишларга автобус бору туман ҳудудида бу масала — муаммо! Узоқ юрилса, йўлкира ҳам катта бўладида! Яқин йўлга машина қўйишдан кимга наф!

Транспорт қатнови масаласидан «Сурхондарётранс» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари ҳам хабардор. Афсуски, ҳеч қандай чора кўрилмаяпти. Музрободликларнинг оҳу ноласи уларга етиб бормаётган кўринади. Агар туманимизда кичикроқ бўлса-да, бирор бир автокорхонанинг филиали очилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А. ЙУЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МУАММОЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

Бунинг ҳозирча иложи бўлмаяпти, дейишади Деҳқонобод тумани Оқиртма қишлоғида яшовчи аҳоли. Сабаби, қишда лойгарчилик бўлса, ёзда қурғоқчилик... Ёзнинг жазирама чилласида сув тақчиллиги кучаяди. Артезиан қудуқларида 10—15 кунлаб сув бўлмагач, оқиртмаликлар пул йиғиб машинада бошқа ҳудудлардан сув келтиришга мажбур.

Яна бир масала: 1982 йилда қишлоқда мактаб қурилиши бошланган эди. Бироқ, ўн икки йилдирки, бу ишнинг кети кўринмайди. Шу кетишда Оқиртмада қачон муаммолар бартараф этилади? Қолган гап Деҳқонобод тумани раҳбарларида.

А. ЭШМУРОДОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни талабаси.

БИЗДАҚА ЁЛҒИЗЛАРНИ ЙЎҚЛАГАНЛАРНИ ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ҚЎЛЛАЙВЕРСИН

ДЕЙДИ ОНАХОН ЖАМИЛА АБХАТОВА

Қўнғироқ жиринглайди-ю, эшикдан ўрта бўй, қорачадан келган қиз кириб келди.

— Эна, яхши ўтирибсизми? — дея ўзига пешвоз чиққан кампирнинг бағрига талпинди.

—Ўзимнинг қизимдан айланай, Ҳодисахон келдингми? Бир кун кўрмасам, худди бир йилга ўхшаб кетади, — деди Жамила опа.

Она-боланинг суҳбати анча давом этди.

— Менга нима ишларингиз бор, эна, кўрсатинг.

Улар бундан уч йил аввал «Ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги Фармон чиққач, бир-бирларини топиб олишди.

— Бахтимизга омон бўлсинлар, Президентимиз топиб берган қизим, менинг суянчиғим, қўл-оёғим бўлиб қолди, — дейди Жамила опа. — Ахир менинг қизим бор, бу дунёда. Ҳаммаларингизга раҳмат, айланай. Биздақа ёлғизларни йўқлаганларни яратганнинг ўзи қўллайверсин, омин... Онахон дуога қўл очади.

Ҳамма гап шундаки, юртбошимизнинг юқоридаги фармони эълон қилингач, Андижон тумани ижтимоий-таъминот бўлими қошида ижтимоий хизмат шўъбаси ташкил этилди. Унинг хизматчиси Ҳодисахон Бойтўраева зиммасига Қуйганёр шаҳарчаси, Ирригаторлар кўчаси даги икки қаватли уйларнинг бирида яшовчи ёлғиз онахон Жамила Абхатовага ҳар томонлама қараб, ёрдам бериб туриш вазифаси юклатилди. Ҳодисахон ҳар икки куннинг бирида келар, онахоннинг уйларини йиғиштиришдан тортиб, чойларигача дамлаб бериб кетарди. Кўнгли қандай овқатни тусаса ўшани тайёрлаб беради, ул-бул харид қилиш кераки, дарҳол дўконга чиқиб келади. Аввалига бундай ҳол Жамила опага эриш туюлди. Аммо Ҳодисахон унга бу иш ўша фармон асосида қилинаётгани, унга ва яна бошқа олти нафар шундай якка-ёлғиз қариягa қараб, парвариш қилгани учун ҳукумат томонидан олти ойлик иш ҳақи тўланишини гапириб берганидан сўнг масаланинг моҳиятини англади.

Куни кеча Ҳодисахон билан бирга ундан хабар олгани Андижон тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Комилжон Йўлдошев, ижтимоий хизмат шўъбаси мудири, собиқ афғончи жангчи Рустамжон Жалилов келишди. Уларнинг айтишича, туман бўйича Жамила опа сингари 146 нафар якка-ёлғиз қариягa Ҳодисахон сингари 20 нафар ходима хизмат қиларкан. Улар ҳам кексаларнинг худди ўз фарзандларидек, нимаики иши бўлса ҳаммасини бажаришади. Шу жумладан, 24 нафар қариянинг уйига 9 хил турдаги озиқ-овқат бепул олтиб берилади.

Улар ҳар гал йўқлаб келишганида Жамила опанинг кўзларида ёш айланади. Шукроналик билан яна дуога қўл очади. Не бахтки, унингдек ёлғизларни ҳам йўқлайдиганлар бор...

И. ЭГАМНАЗАРОВ.
Андижон вилояти.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

КЕЛАЖАК АВЛОД ЖОНКУЯРЛАРИ

ҲУКУМАТГА қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Наманган ҳудудий бўлими тузилди.

БЎЛИМГА оналик ва болаликни муҳофаза қилувчилар, авлодлар манфаати учун жон куйдирувчилар бирлашдилар. Вилоят ҳокимлиги, шойи ишлаб чиқариш, гўшт, сут саноати бирлашмалари, сув хўжалиги бошқармаси бўлим муассислари бўлдилар. Бўлим ҳисобига дастлабки бадал пуллари туша бошлади.

ХОРАЗМДА ХОНАТЛАС ТАҚЧИЛ БЎЛМАЙДИ

ДУРДОНА НУРИЛЛАЕВАнинг ўз касбидан мамнунлиги чеҳрасидан билиниб турибди. Биргина у эмас, кўплаб дугоналари ҳам янги цехга қатнай бошлаганларидан мамнунлар.

Урганч ипак ишлаб чиқариш бирлашмасида янги цех очилгач, анчагина ёшлар ишли бўлишди. Хонатлас тўқишга мослашган цех воҳада бу матога бўлган эҳтиёжни қондирса, ажаб эмас.

ТЕРИДАН ТАЙЕР МАҲСУЛОТГАЧА...

«ЯНГИ ЗАМОН» ўзбек-америка қўшма корхонасининг Нуротадаги «Арго» бўлими хом терини қайта ишлаб, кийимлар тайёрлашга ихтисослашди.

«АРГО» тамғаси билан тикилаётган пўстин, нимча ва қоракўл телпакларнинг бозори чақкон. Фарғона пойабзал фабрикаси ва бошқа қатор кичик корхоналар билан ҳамкорлик ҳам жамоага яхшигина даромад келтираяпти. Бундан ташқари «Арго» 5-ҳунар-техника билим юртида терини қайта ишловчи ва чармдан маҳсулот тикувчи мутахассислар тайёрланадиган гуруҳ очди.

ДАСТГОҲНИНГ ҲАМ ИМПОРТИ ЯХШИ

ЖОМБОЙДАГИ дон маҳсулотлари комбинатида эски ускуналар замонавийлари билан алмаштирилди.

Бу ЕРДА Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси тайёрлаган дастгоҳлар ўрнатилгач, иш шароити ҳам, маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланди. Ишлаб чиқариш жараёнларини техника бошқаради ва назорат қилади. Ҳозир бир кеча-кундузда 650 тонна ун тайёрланмоқда. Корхонани таъмирлаш учун сарфланган 3,5 миллиард сўм маблағ албатта қопланади.

ЕЗ НЕЪМАТИ ҚИШГА

СУХ туманидаги консерва заводи жамоасининг меҳнати ҳеч қачон ўтган йилгидек баракали бўлмаганди. Консервачилар салкам 195 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни мўлжаллашганди. Йил охирида ҳисоб-китоб қилинса, 532 миллион сўмликка етибди. Бу ютуқдан бутун жамоа, шу жумладан, илғор ишчи Мунис Йенбекова ҳам (суратда) ғоят хурсанд. Чунки корхонанинг, бинобарин, ишчи-хизматчиларнинг даромадлари ҳам шунга яраша бўлади-да.

УЧ ЮЗ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

АНДИЖОНдаги «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмаси хусусийлаштирилгач, туманларда бўлимлари кўпайди.

ЧУНОНЧИ, Олтинкўл туманининг Кумакай қишлоғидаги бўлимда 300 кишилик ишчи ўрни очилиб, кийим-кечак ва пойабзал тикила бошланди.

Корхона боғчалар учун зарур мебеллар, мактаблар учун парталар тайёрлашни ҳам кўпайтирди.

ВОҚЕАЛАР

БОШ МАҚСАД — САМАРАДОРЛИК

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. РИЗАЕВга мухбиримиз бошқармада ўтган йили амалга оширилган ишлар ва бу йилги режалар хусусида бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Қулаҳмад Тошпўлатович, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўтган йилги қайси хусусиятларни алоҳида таъкидлаган бўлур эдингиз?

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1993 йил мустақил она юртимиз халқига, шу жумладан, соғлиқни сақлаш ходимларига республикамиз ҳукумати томонидан беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилган йил бўлди. Шифокорларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги қатор фармонлар, унвон олган врачларга яратилган қўшимча имтиёзлар, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида чет эллар билан ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши бу фикримнинг ёрқин далилидир.

Йилнинг иккинчи муҳим белгиси — оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек долзарб йўналишга амалий қадамлар қўйилганидадир. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши ва бу номдаги жамғарманинг иш бошлаши юксак аҳамият касб этади.

Учинчи хусусият соғлиқни сақлаш ходимларида ана шу ҳаётий дастурларга нисбатан масъулиятнинг, малаканинг сезиларли даражада ортганлиги ва бу ҳужжатлар асосида ҳамда иқтисодий ислоҳот талабларидан келиб чиқиб белгилаб олинган бир қатор вазифаларнинг рўёбга чиққанлигида кўзга ташланади.

Мустақил республикамизда энди аниқ ҳисоб-китоб билан иш олиб боришга тўғри келмоқда. Бу — ҳамма тиббий хизмат турлари пуллик бўлди, дегани эмас. Ҳали бизнинг мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини давлат муҳофаза этмоқда. Масалан, Москва шаҳрида ўртача даражадаги кўричкини олиб ташлаш 150 минг сўм туради. Четдан борган бемор ўзини шунчаки ташҳис жиҳозида текширтириш учун аввал 100 минг сўм санаб бериши керак. Томоқдаги ўсимтани олиб ташлаш борасида мурожаат қилган одамга 700 минг сўмгача бўлган нархни айтишади. Бизда эса бу хизмат турларининг ҳаммаси бепул. Булар ҳақида гапиришимдан мақсад, бозор иқтисодиёти шароитида тиббий хизматнинг маблағ билан боғлиқлиги равшанроқ намоён бўлганлигини таъкидлашдир. Биз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ички имкониятларни ишга солдик ва асосан иқтисодий тангликдан халқимиз қутилиб олгунга қадар беморларга бепул хизмат кўрсатиш йўлидан боряпмиз. Ички имкониятлар — бу, касалхоналарда беморлар учун ўринлар сонини камайтирган ҳолда, улардаги хизмат салмоғининг кўпини поликлиникалар зиммасига юклашда ўз ифодасини топади. Поликлиникалар қошида очилган кундузги стационарлар эса ана шу йўлнинг тўғри, ишончли ва самарадор эканлигини тўла оқлади. Шифохоналарда жойлашган беморлар ҳолати астойдил текшириб кўрилганда, уларнинг 40 фоизини бемалол амбулаторияларда даволаш мумкинлиги маълум бўлди. Поликлиникаларда унчалик мураккаб бўлмаган жарроҳлик операцияларининг амалга оширилаётганлиги ҳам даволанишдаги янгича услубдир. Стационарларда беморлар учун овқат ҳам тайёрлаб берилади. Бу шифохоналарни энг замонавий зарур жарроҳлик, даволаш, физиотерапия, тиббий асбоб-ускуналари билан таъминлаш — ҳамиша диққат марказимизда бўлмоқда. Етакчи илмий ва тиббий марказларнинг профессорлари, доцентларининг деярли 70 фоизи шундай поликлиникаларга, кундузги стационарларга шартнома асосида биркитиб қўйилмоқдаларки, бу беморларга шифо бахш этиш самарадорлигини маълум даражада оширди.

— Юқорида сиз шифокорлар малакаси ҳақида ҳам сўз юритдингиз. Сўнгги йилларда Бош бошқарма врачлар, ўрта медицина ходимларини шаҳодат кўригидан ўтказишни йўлга қўйган эди. У қандай натижалар берди?

— Ҳозирги ўзгаришлар соғлиқни сақлаш ходимларининг ўз бурчига бўлган садоқатининг ошиб боришида кўзга ташланмоқда. Улар касбларига дахлдор адабиётларга кўпроқ мурожаат қиладиган, фаолиятларида илғор тажрибаларни кенг қўллашга интиладиган бўлиб қолдилар.

Уч йилдан буён изчил ва режали равишда амалга оширилган бу тадбир натижасида 1200 нафардан кўпроқ шифокорга турли даражадаги тоифалар берилди. Тоифа олганлар ойлигига яна қўшимчалар қўшилди. Ҳар йили энг йирик мутахассислар, олимлар иштирокида турли мавзуларда семинарлар ўтказиб туриш ҳам ходимлар малакасини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу борада бизга забардаст олимлар — Карим Йўлдошев, Абдуманнон Раҳимжонов, Абдулла Убайдуллаев, Рафиқ Кавкаевлар катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Шифокорлар, ўрта медицина ходимлари малакасини оширишда, уларнинг билим ва тажрибаларини имтиҳон қилиш усулидан воз кечиб, амалий ишни намойиш этувчи кўрик — танловлар ўтказиш, бундай тадбирларни байрамона уюштириш йўлидан кўпроқ фойдаланяпмиз. Бундай кўриклар ўтказишда Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳарнинг барча туман ҳокимликлари, республика «Маҳалла», «Наврўз» жамғармалари, Совпластитал, «Малика», Чкалов номидаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналари билан ҳамкорлик қилганлиги кўрикнинг оммавийлигини оширди.

— Ўзингизга маълум, Президентимиз қатор халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг сессияларида кадрлар масаласига жиддий эътибор бердилар. Чиндан ҳам кадрлар бўш, лоқайд бўлган жойда иш ўлда-жўлда олиб борилади. Кадр қанча малакали, ташкилотчи бўлса, ислоҳот шунча тез одимлайди. Бу борада шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида аҳвол қандай? Даволаш муассасаларини врачлар, ўрта медицина ходимлари билан таъминлаш ўз маромидами?

— Бошқа соҳалардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам касбини пухта эгаллаган, ташкилотчи, талабчан, давр билан бирга қадам ташлайдиган ходимлар етарли. Биз улар ҳақида ўрни келганда самимий гапларимизни айтиб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бораяпмиз, ҳафта давомидаги таҳлилий йиғинларимизда, анжуманларимизда ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз. 17-шаҳар шифохонаси бош шифокори Б. Абдуллаев, Миробод туманидаги 1-поликлиника участка шифокори Д. Набихонова, Бектемир туманидаги участка акушер-гинекологи К. Набиева, 15-болалар шифохонаси ҳамшираси С. Отабоева каби нажоткорлар бир неча йиллардан буён эл ҳурматини қозониб келмоқдалар.

Айни пайтда ишини эплолмаётган, беморларга қўпол муносабатда бўлаётган, таъмагирликка ўрганган, ҳар бир хизмати учун қўлга қарайдиган, виждонини ютган, иғвогарликка ружу қўйган дўхтир, ҳамшира деб аташга тилинг бормайдиган ходимлар ҳам йўқ эмас. Биз бундайларга нисбатан кескин чораларни кўраяпиз. Шифокор ёки ҳамширанинг айби билан рўй берган ҳар қандай хунук ҳодиса ҳам, албатта, бундай йиғинларда муҳокама этилади.

Поликлиникалар, шифохоналарни врачлар, ўрта медицина ходимлари билан таъминлашга келсак, унда айтарли танглик ҳолати йўқ. Лекин туманлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўрта медицина ходимлари тайёрлаш режа асосида олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили Абу Али ибн Сино номли 1-клиник шифохона ҳузурида Шайхонтоҳур тумани даволаш-профилактика муассасалари учун эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳамширалар тайёрлайдиган ўқув юрти очилди. Унда ҳамширалар бир йилу 10 ой, акушер-гинекологлар 2 йилу 6 ой билим оладилар. Биз бундан буён ҳам бошқа туманларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини изчил ўрганиб борамиз. Зарур бўлган тадбирларни амалга оширавeрамиз.

— Ниҳоят, охирги савол: Ўзбекистон халқ депутати сифатида қандай муаммоларни ҳал этдингиз? Шаҳар соғлиқни сақлаш тизимидаги бу йилги режалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Илгарилари қаерда тузукроқ бино, равонроқ кўча, дурустроқ хиёбон бунёд этилса, ўша ҳудуддан сайланган депутат ҳисобига ёзиб қўйиш ҳоллари ҳам бўлган. Худога шукр, мустақиллигимиз бизни бу сунъийликдан халос этди. Мен, аввало, депутатлик бурчимга шаҳар аҳолиси саломатлигини сақлашдаги ҳиссам муносабатидан ёндашаман.

Депутат сифатида ҳамиша аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тарафдори бўлиб келяпман.

Режалар хусусида шуни айтишим керакки, тиббий хизмат сифати, самарадорлигини ошириш, кадрлар малакасига эътибор асосий вазифа бўлиб қолаверади. Биз поликлиникалар ҳузуридаги кундузги стационарларни, шунингдек, уй стационарларини, кейинги йилларда ташкил этилган жарроҳлик марказларини, ихтисослашган амбулатория, даволаш муассасаларини кўпайтирамиз. Профилактика ишлари кучайтирилади, дори-дармон танқис бўлиб турган ҳозирги пайтда Тошкент вилоятидан ажратилган ерда доривор ўсимликлар етиштириш, фитобарлар очиш давом эттирилади.

Шаҳар саломатлик маркази аҳоли истиқомат жойларида суҳбатлар ўтказади. Бундай мулоқотлар чоғида **инсоннинг соғлиғи фақат дўхтирларгагина боғлиқ эмаслигини, ҳар бир кишининг саломатлиги ўзига ҳам боғлиқлигини кенгроқ тушунтиришни режалаштириб қўйдик.** Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсий ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида асраб-авайласинлар», деган сўзларига ўз фаолиятимизда изчил амал қилиб борамиз.

• *Иқтисодиёт чорраҳаларида*

«НОНДАЙ АЗИЗ БЎЛИНГ!»

ТОШКЕНТДАГИ 2-НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КОРХОНАСИНИНГ ДИРЕКТОРИ ТЎРАБЕК НУРАЛИЕВНИНГ НИЯТИ ШУНДАЙ

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир бадавлат киши яшаган экан. У бойлигига бойлик қўшилаверганидан таажжубга тушиб, маслаҳат олиш мақсадида донишманднинг ҳузурига борибди.

— Муҳтож одамларга ҳар қанча хайр-эҳсон қилмайин, эл-юртга мурувват кўрсатмайин, бойлигим барибир камаймаяпти. Нима қилай? — сўрабди у.

— Бунинг йўли осон,— дебди донишманд, — туянинг устида нон еб юришга ўрганинг. Шунда давлатингизни қаерга совурганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Бой узоқ сафарга чиққанда унинг айтганини қилибди: туянинг устида нон еб, дашту биёбондан ўтибди. Бир жойга етганда бехосдан увоқ ерга тушиб кетибди.

У ҳарчанд ахтармасин, қум орасидан ушоқни тополмабди. Охири бўлмагач, ўша ерни яхшилаб ўраб, белги қўйибди-да, йўлида давом этибди. Қайтишда эса сув келтириб, бояги майдонга дов-дарахтлар ўтқаздирибди, сарой қурдирибди.

Кунлардан бир куни донишманд шу жойдан ўтиб қолибди. Дашту биёбонда яшил боғлару улкан саройни кўриб, кўзларига ишонмабди. Мулозимлар уни ичкарига таклиф этишибди. Донишманд қарасаки, рўпарасида бир пайтлари ўзидан маслаҳат сўраган бой турганмиш. Ў азиз меҳмонни илиқ кутиб олибди-ю, бўлган воқеани гапириб берибди.

— Нонинг ушоғини улуғлабсизми, демак, сизнинг бойлигингиз ҳеч қачон камаймайди! — дебди донишманд.

Тошкентдаги 2-нон маҳсулотлари корхонасининг раҳбари, Мирзо Улуғбек тумани кенгашининг ноиби Тўрабек Нуралиев билан суҳбатлашиб қолсангиз, у сизга неъматлар султони — нон ҳақида ўнлаб ривоятларни ҳикоя қилиб беради. Ҳа, у киши нонни мудом эъзозлаб келади. Заводнинг чор-атрофи шу қадар саранжом-сариштаки, худди пирхонага ўхшаб кетади.

Тўрабек Нуралиев олти йил илгари директор бўлиб келганди. Ўшанда ишлаб чиқариш издан чиққан эди. Устига устак унга қадар жамоага не-не раҳбарлар келиб кетишмаганми, меҳнат аҳли уни — бунгача Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси курортлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган кишини хушламайроқ қарши олди. Аммо Тўрабек ака бора-бора катта-ю кичик билан тиллашиб кетди. Ўзаро маслаҳат асосида ишни дастлаб корхонани таъмирлашдан бошлади. Республика Дон маҳсулотлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг амалий ёрдами туфайли Чехословакия ҳамда Олмониядан турли ҳажмда маҳсулот тайёрловчи иккита линия келтирилиб ўрнатилди. Пар қозонлари янгиланди, кунига етти тонна макарон ишлаб чиқариш қувватига эга янги цех ишга туширилди. Обинон ва патир пиширишга ўзлаштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиши, кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун эса барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Жумладан, ошхона қурилди, соғломлаштириш, кийим-кечакларни алмаштириш ва ювиниш хоналари барпо этилди.

Завод қошида, шунингдек, фирма дўкони очилиб, унда Қорасув даҳасида яшовчи аҳолига иссиқ нонларни сотиш йўлга қўйилди. Бу янгилик тезда Тошкентдаги бошқа нон заводлари раҳбарларини ҳам қизиқтириб қўйди.

Юқорида қайд этилган тадбирлар рўёбга чиқарилмасдан олдин заводда бор-йўғи икки тур маҳсулот тайёрланар ва унинг кунлик миқдори аранг 15 тоннани ташкил этарди. Ҳозир эса ҳар куни корхона жамоаси республикамиз пойтахти аҳолисига етти турдаги 35 тонна нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераяпти.

— Ўзбек нонининг довруғи бутун дунёга ёйилган, — дейди директор. — Бу неъматни қанчалик қадрласак, шунчалик оз. Ахир «Нонга эътибор — элга эътибор», деб бежиз айтишмаган. Билсангиз, 1985 йилгача «Чорсу» бозори атрофида тандир цехлари бўларди. Уларда бир кунда 150 тоннагача нон ёпилиб, шаҳарликларга ҳадя қилинарди. Кейинчалик ўша цехлар «Коопторг»га ўтказилди-ю, уларнинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Натижада обинон камайиб кетди. Корхонамизда шундай цехларни тикламоқчимиз. Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Шавкат Мирзиёев таклифимизни қўллаб-қувватлади. Яқин кунларда тумандаги ҳар бир маҳаллада нонвойхоналар очиб, уларни хом ашё билан таъминлаб турамиз.

Фақат шугина эмас. Жамоа аҳли яна бир қутлуғ ниятни рўёбга чиқариш ҳаракатида юрибди: корхонада Хитойдаги «Хуан Юнь» компанияси ишбилармонлари билан ҳамкорликда қадоқланган 250 граммли макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Барча асбоб-ускуналар хориждан келтирилади, уларни ўрнатиш ва мутахассисларни тайёрлаш ҳам хитойликлар зиммасида. Қўрилган фойда эса ўртада тақсимланади. Яқин орада икки томонлама шартнома имзоланиши кутилмоқда.

Одатда корхона ишчилари шу ерда ишловчиларнинг иккинчи уйи ҳисобланади. Хонадон соҳиби эса ҳамиша ўз уйи теварагини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш пайидан бўлади. Бу ерда ҳам шундай манзарани кўрасиз: завод ҳовлиси ва ташқарисидаги майдонга ҳозлаб туп мевали дарахт ҳамда ток кўчатлари экилиб, ажойиб боғ яратилган. У ҳадемай мева беради. Шундан ми, қорасувликлар корхона ёнидаги кўчага Мингёнғоқ деб ном беришибди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Корхона директори Тўрабек Нуралиев. 2. Катта уста Вазира Мирзааҳмедова иш устида. 3. Илғор ишчи Нигора Абдураҳмонова макарон тайёрламоқда.

Козимжон ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ТУШКУНЛИККА ТУШГАН ОДАМДА НА ИШОНЧ БЎЛАДИ, НА МУҲАББАТ

«Конпот» ногиронлар марказ Ўзбекистондагина эмас, Марказий Осиё мамлакатларида ҳам ягона ҳисобланади. Фарғона вилоятидаги барча ногиронларни бирлаштирган ушбу марказга II-гуруҳ ногирони М. Бобоқулов раҳбарлик қилади. Мухбиримиз яқинда у киши билан суҳбат қилиб қайтди.

— Мингбой ака, аввало, ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

— 48 ёшга кирдим. Тўртта фарзандим бор. Қашқадарёнинг Косонида туғилганман. Олти ёшлигимда бедаво дардга чалиндим. Тенгдошларимдек чопқиллаб юриш, чиллаки-ю варрак ўйнаш армонга айланди. Шол бўлиб қолдим. Тақдир экан... яна ҳаётга қайтдим. Болалигимдаги азобларни душманимга ҳам раво кўрмайман.

Ўн саккиз йил тўшакда михланиб ётган, икки оёғи шол йигит — менман, десам, кўпчилик ишонмайди. Агар инсонда келажакка ишонч, ҳаётга муҳаббат бўлса, худо унга, албатта, шифо беради. Асосийси, тушкунликка берилмаслик керак. Тушкунликка тушган одамда на ишонч, на муҳаббат бўлади.

Ярим жон бўлиб тўшакка михланиб қолган йилларим мен ҳам тупроқ чангитиб юрармэкинман, деб орзу қилардим. Ўшанда менга яна бир андиша қийнарди: наҳотки, бир умр текинтомоқ бўлиб яшасам, ҳеч кимга нафим тегмаса... Шу йиллар давомида битта нарсани — инсон яратгандан бошқасининг ёрдамига муҳтож бўлмасин, деган гапнинг маъносини англадим. Яратганга беҳисоб шукрким, эзгу ниятларимга бирин-кетин эришаяпман. Энг оғир дамларда қилган пок ниятларим умримга йўлдош бўлаяпти. Сочимга оқ тушгани-ю юзимдаги бевақт ажиндан афсусланмайман. Қалбларимизни қадр-қиммат, одамийлик тарк этмаса бас, қолган ҳаммаси ўткинчи.

— Ногиронлар маданият марказини ташкил этиш, ҳар қалай, осон кечмаган бўлса керак?..

— Бир ишни, айниқса, янгиликни бошлаш осон эмас. Чидам, сабот ва ҳаракат муштарак бўлсагина ўйлаган мақсадга эришиш мумкин. Фарғона шаҳар «Космос» кинотеатри биносини ногиронлар вилоят марказига беришларини сўраб, шаҳар, вилоят ҳокимлари ҳузурига кирдим. «Астойдил йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқар» деганларидек, мақсадимиз амалга ошди: бизга бино беришди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва шаҳар тўқимачилик фабрикаси марказимизнинг дастлабки ҳомийлари бўлишди.

— Марказнинг бундан кейинги режалари қандай?

— Жамоамизнинг нияти қадр-қиммат, меҳр, эъзозга умидвор бўлган ногирон ва ёрдамга муҳтож оилаларга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишдан иборат.

Бундан ташқари қариялар, болалар уйи ва мактаб ўқувчилари ҳузурига бориб, турли мавзуларда кинофильмлар намойиш этамиз. Ижарага беришимиз учун эса хорижда ишланган иккита видеокамера ва магнитофон ҳамда 200 дан ортиқ сара фильмлар жамланган видеотасмаларимиз бор. Иш фаолиятимизга саккиз ой бўлган бўлса-да, қилинган ишлар талайгина.

— Ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиш инсон учун катта бахт. Иш бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам бўлиши табиий.

— Ўринли гап. Муаммоларимиз... Қайси бирини айтай. Аввало, маблағ муаммосини бартараф этмай туриб, бирон иш қилиш қийин. Чунки фаолиятимиз кўламини республика бўйлаб кенг ёймоқчимиз. Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарз, дейишади. Ахир, бугунги кунда билим олиш ниятида ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар оз, деб ўйлайсизми? Қолаверса, ногиронлар ўртасидаги спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Буларнинг ҳаммасига маблағ керак.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлар ҳаёти қандай кечмоқда?

— Ҳаракатда баракат, деган гап бор. Ҳаракат қилаётганларнинг ҳаёти ёмон эмас. Бу борада Президентимизнинг ёрдамга муҳтож кишилару ногиронларга кўрсатаётган беназир ғамхўрликларидан ҳар биримиз баҳраманд бўлмоқдамиз.

Биласизми, ногиронга аслида жуда кўп нарса керак эмас. Улар яхши сўзнинг, ҳурмат-эътиборнинг қули бўлишади. Гоҳида жуда кичкина нарса ҳам уларнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборади, қоронғу гўшаларини чароғон этади.

Ўзбекларни бутун дунё олийҳиммат халқ, деб эътироф этади. Чиндан ҳам шундай. Улар бир бурда нонни кўпчилик билан баҳам кўриб келган. Мана, юртимиз мустақилликка эришди — ҳамма нарса ўзимизники бўлди. Энди биров узоқдан туриб сен уни қил, буни қил ёки сен ундай қил, бундай қил демайди. Президентимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилини ишлаб чиқдилар. Мен уни биздай ногиронлару ёрдамга муҳтож кишиларни ўйлаб қилинган энг тўғри тадбир деб биламан. Шундай экан, эртанги кунимиздан ташвишланмасак ҳам бўлади.

Суҳбатдош:
Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРОВУЛБОЗОРЛИК ИШЧИЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Қоровулбозор туманида бир неча миллион тонна нефтни қайта ишлай оладиган улкан корхона қурилмоқда. Уни тезроқ ишга туширишмақсадида бир ярим мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётир. Яқинда ана шу ишчилар учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда дастлабки бино — 400 ўринли ошхона ишга тушди. Энди завод ишчиларининг вақти тежалиб, иш унумдорлиги янада ортади.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОНОБОДЛИКЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Мозийнинг гувоҳлик беришича, Ёзёвоннинг Хонобод қишлоғига Қўқон ҳукмдорларининг назари тушган экан. Ўзининг қураги ерга тегмас полвонлари билан машҳур бўлган бу қишлоқнинг шундоқ биқинидан Андижону Наманган тарафларга юқори босимли газ қувурлари олиб ўтилганига анча бўлди. Лекин «ариқ тўла сув, ташна-зорим болам», деганларидек, бу қишлоқ газлаштирилмай қолиб кетди.

Фақат янги йилнинг дастлабки кунларида хонободликлар қувончига қувойч қўшилди — қишлоққа «зангори олов» кириб келди. Жами 15 километрлик масофадаги қувурларни тортиб келиш, хонадонларга тушириш ва таъмирлашда Намангандаги «Мезон» фирмаси ва «Ўзбекгазқурилиш» трестининг Тошлоқ участкаси қурувчилари ғайрат кўрсатишди. Ҳозирча 350 хонадонда «зангори олов» ёнмоқда. Яқин кунларда яна 150 хонадон беминнат хизматдан манфаатдор бўлишади.

Tabani GROUP OF COMPANIES

Покистоннинг Табани групп оф компаниз фирмаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовни ва Ўзбекистон халқини Президентнинг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилиниши билан табриклайди.

Ушбу Фармон биз хорижий тадбиркорларга Буюк ипак йўлида тижорат эшикларини кенг очиб беради деб ишонамиз.

Энг яхши тилаклар билан, Табани групп оф компаниз
Ўрта Осиё ваколатхонаси бошқарувчиси Муҳаммад Аббос Хон

Тошкент, Катта Миробод кўчаси, 158. **Тел.: 54-06-70, 55-35-49, 54-07-98.**
Факс: 54-08-30. **Телекс: 116416 TBANI SU.**

• *Хотира*

ЭЛ БЕРГАН НОМ АБАДИЙДИР

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дарғаларидан бири Қинабек оға Укубоевнинг фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғ ва барча қозоғу ўзбек биродарларига васияти шу бўлди: «Тинч-тотув яшанглар. Халқ учун ҳалол хизмат қилинглар. Боғим қаровсиз қолмасин...»

Қинабек оға Мирзачўл туманидаги Бултай қишлоғида туғилди. Чўпонликдан раҳбар лавозимига кўтарилди. Ватан урушининг ғолиб аскари сифатида Мирзачўлга қайтиб, чўлнинг янги ҳудудларини ўзлаштиришнинг илк ишбошиларидан бири бўлди: ҳозирги «Сардоба» давлат хўжалигига асос солди.

Қинабек оға қозоқ ва ўзбекнинг азалий қон-қардошлигини, уларнинг томирлари бирлигини очиқ-ойдин эътироф этарди. У том маънода ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг Мирзачўлдаги бақувват илдизи эди.

Оға ўтган йилнинг ёзида, табаррук саксон ёшида элга ош берувди. Дастурхонга ўз қўли билан барпо қилган боғ меваларидан қўйди. Дарвоқе, Қинабек Укубоев умрининг сўнгги йилларини ҳам меҳнат билан безовди: Тошкент—Жиззах катта йўли ёқасида 2 гектарлик боғ яратди. Шубҳа йўқки, бу боғ Укубоевнинг ном-ини Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларига таратади. Республикамизнинг бу улкан йўлидан ўтган йўловчилар Қинабек оғанинг боғида етилган мевалардан баҳраманд бўлишади ва унга халқнинг ўзи ном бериб қўя қолади: «Укубоев боғи». Халқ берган ном эса ўчмас ва абадийдир.

Аҳмадали ШЕР.
Сирдарё вилояти.

Гулнора Маҳмудова «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг обрўли тикувчиларидан. Тажрибали тикувчига энг масъул вазифаларни топширганда ҳам кўнгилдагидек адо этади.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Швецариянинг «Бюллер» фирмаси билан ҳамкорликда Тахиатош нон маҳсулотлари комбинатининг ун ва гуруч цехлари замонавий техника ускуналари билан қайта жиҳозланди. Бунинг эвазига корхона қуввати-нинг ошиши билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг яхшиланишига эришилди.

СУРАТДА: лаборантлар Ажар Қиличева ва Ольга Усеновалар ун сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. ЗУФАРОВ олган сурат (ЎзА).

• *Бизга ёзадилар*

ҲИММАТ

Бухоро қишлоқ хўжалик коллежи ошпази Рустам Холназаров шаҳардаги 24-кўзи ожиз болалар мактаб-интернатига 20 минг сўм ҳадя қилди. Бу пул Қорбобонинг совғаси сифатида кўнгли ўксик болаларга улашилди. Ҳимматинг баланд бўлсин, Рустамжон!

А. ҲАЙДАРОВ.

ҲАЛОЛЛИК

Музайяма Ҳолиқованинг Бухородаги кўзи ожизлар корхонаси жамоаси фидойи ва жонкуяр устоз сифатида ҳурмат қилишарди. Негаки, унинг шогирдлари бугунги кунда комбинатнинг энг илғор тикувчилари ҳисобланишади. Яқинда корхона ишчилари Музайямани энг ҳалол инсон сифатида ҳам эътироф этишди. Корхона ҳовлисидан у топиб олган 11 минг 400 сўм пул ўз эгаси — Ато Камоловга қайтарилди.

Ҳ. ҒАФФОРОВА.
Бухоро.

ҚИШЛОҚЛАР ГАЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Ёзёвонда газлаштирилган хонадонлар сони яна 837 тага кўпайди. Бу — туман бўйича 5854 хонадонда «зангори олов» беминнат хизмат кўрсатмоқда дегани.

Президентимизнинг қишлоқларни газлаштириш борасидаги кўрсатмалари туманнинг А. Навоий номли, И. Юсупов номли, У. Тошбоев номли, «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликларида изчиллик билан бажарилаётир.

Қишлоқ хонадонларига «зангори олов» келтиришда туманнинг М. Абдураҳмонов етакчилигидаги «Оловкор» кичик корхонаси, 8-механизациялашган қўчма колоннанинг А. Сиддиқов раҳбарлигидаги участкаси ва Намангандаги «Сарбон», «Нодир» ва «Афросиёб» кичик корхоналарининг хизматлари катта.

Бу йил туманнинг Тошҳовуз, Пахтачи, Тегирмонбоши, Бўтқачи, Қоратепа қишлоқлари аҳолиси ҳам қора ўчоқни тарк этиши кўзда тутилган.

А. МАДРАҲИМОВ.

АСТАҒФУРИЛЛО!

ПИВОХОНА МУҲИММИ, БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ?

Ёш ниҳолни қандай парваришласанг шундай ўсади. Биз бу хатни юртимиз келажаги бўлган болаларимиз тарбиясидан хавотирланиб ёзяпмиз. Гап шундаки, биз яшайдиган уйлар Юнусобод туманининг 13-даҳасига жойлашган. Даҳада 34 дўкон бор. Мазкур дўкон бурчагига пивохона қурилган. Шундан бўён на кунимизда ҳаловат бор ва на тунимизда. Ҳар куни бу ерга ўнлаб одамлар йиғилишиб базму жамшид қуришади. Кайфлари ошгач эса турли қичқириғу сўкинишлар авжига минади. Пивохона яқинидан ўтгани хотин-қизларимизнинг юраклари дов бермайди. Айниқса, болаларимиздан хавотирланяпмиз. Улар — ёш ниҳол. Пивохонадан эшитиладиган бемаъни сўзлару ножоиз қилиқлар уларнинг хотираларида муҳрланиб қолмайди, деб айтолмаймиз-ку!

Энг ачинарлиси, шу ерда жойлашган «Лола» болалар боғчаси ва 246-ўрта мактаб ўқувчилари пивохонадаги машмашаларнинг доимий томошабинларига айланиб қолишган. Бу ҳодиса шу тарзда давом этаверса, улар тарбияси нима бўлади? Болаларимизнинг дам олиши, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун умуман шароит йўқ бўлган мазкур уйлар ҳовлиларида пивохўрлар учун барча шароит муҳайё. Бундан куласизми, куясизми?!

Балки бу ҳақда маҳалла қўмитаси-ю, участка нозири бехабар бўлса керак дерсиз. Афсуски, билишади. Аммо индашмайди. Уларга болалар тарбияси муҳимми, пивохона? Бунисси бизга номаълум.

Юнусобод туманининг 13-даҳасидаги 46, 53, 54, 58, 59, 60, 61, 62, 64-уйларда истиқомат қилувчилар номидан: ЭМИНОВ, МАҲКАМОВ, ҲАМИДОВА, САЛОМАТОВА ва бошқалар.

(Жами 51 та имзо).

ХАЛҚ СЎЗИ – ҲАҚ СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

• *Телетомошабин мулоҳазалари*

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ҚЎШИҒИ

Икки йилдирки, Мустақиллик устивор бўлган юртимизда байрамлар ҳам миллий қонун-қоидалар асосида нишонланяпти. Мадҳиябозликдан йироқ бўлган бундай байрамларда бой маданий ва маънавий меросимизнинг янги-янги қирралари, урф-одатларимиз анъаналаримизнинг бетакрор кўринишлари бутун салоҳияти билан намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг халқаро кўрсатувлар муҳарририяти ижодкорлари томонидан тайёрланган «Янги йил тилаклари» номли бадиий-публицистик байрам кўрсатуви фикримизга ёрқин мисолдир. Унинг шоир ва ёзувчи Йўлдош Муқим ўғли Оташ, бастакор Анор Назаров ва хонанда Нуриддин Ҳайдаров яратган «Ўзбекистон муштарак» қўшиғи билан бошланиши томошабинга байрамона кайфият бахш этади. Халқимизнинг севимли қўшиғига айланган бу тарона мусиқаси диёримиз ҳаётининг бугунги куни ҳақидаги видеолавҳалар билан уйғунлаштирилганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, тасвирнинг Мустақиллик байрами тантаналарини ёдга солувчи лавҳалардан бошланиши ниҳоятда ўринлидир. Ҳар бир лавҳанинг қўшиққа мос қилиб танланганлиги тасвир жозибасию нуфузини янада оширган.

Масалан:

«Дилингдан аримасин ишончу иймон, виждон,
Илоҳим четлаб ўтсин сени бўрону тўфон!»

мисраларига юртбошимиз Ислом Каримов билан Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг чеҳраларидан нур ёғилиб, шаҳдам қадамлар ташлаб юриб келаётганликлари:

Ёки:

«Фалокатлар ёғдирилса, балогардон саботинг,
Довюрак фарзандларинг сенинг учқур қанотинг»

мисраларига ўзбек аскарларининг ҳушёр ва ҳозиржавоб турганликлари акс этган видеотасвирларни кўриб фахр ва ифтихор сезасан, киши.

Байрам кўрсатувида Туркия, Ҳиндистон, Хитой Покистон, Корея, Германия, Миср Араб Республикаси, Тунис, Мўғилистон, Афғонистон, Эрон сингари мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, шунингдек, кўплаб чет эллик меҳмонлар иштироки байрамга янада жозиба касб этган. Ҳар бир элчи ўз сўзида дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик туйғуларини, холис ниятларини изҳор этганлар.

Сиз билан юзма-юз турган бундай лавҳалар мустақил юртимиз улуғворлигию гўзаллигини кўз ўнгингизда яна бир бор гавдалантиради. Шу боис, 1—16 январь кунлари ойнаи жаҳонда намойиш этилган истиқлолнинг бу ойдин қўшиғи қалбларимизда муҳрланиб қолди.

Л. НУРМАТОВА.
Тошкент шаҳри.

• *Шикоятлар изидан*

УЙ БЕРИЛСА АЖАБМАС

Муҳарририятимизга Қизириқ тумани «Ғиламбоп» жамоа хўжалигида яшовчи Раим Қиличевдан турмуш шароити ҳақида шикоят хати келган эди. Биз уни текшириш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигига йўллагандик. У ердан қуйидагича жавоб келди:

«Туман ҳокимлиги Р. Қиличевлар оиласини имконияти борича уй-жой билан таъминлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини белгилади.

Вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ».

МАОШ ОШИШИДА МУАССАСА ТУРИГА ҚАРАЛАДИ

Андижон вилояти Хўжаобод шаҳридаги 14-гунг-соқов болалар махсус интернати ўқитувчиси А. Жўраевдан мактаб ўқитувчиларининг ойлик маошларини оширишда борасидаги тадбирлар баъзи ерларда қониқарсиз бажарилаётгани ҳақида арзнома келган эди.

«Мазкур мактуб юзасидан Халқ таълими вазирлиги билан фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг бирлашмасидаги хатини юборяпмиз, — дейилади вазир муовини М. СУЛТОНОВнинг жавоб мактубида.

1991 йилдан бошлаб айрим муассасаларда раҳбар ва педагог ходимларнинг иш ҳақини фоизлаб эмас, муассаса турига қараб маълум миқдорда ошириб келинди. Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилганидек, баъзи муассасалар педагог ходимларининг иш ҳақи ставкаси оширилган. Бемор болалар билан ишлаётганда маънавий ва жисмоний толиқишлар учун уларга товон тўламаслигини ҳисобга олиб, вазирлигимиз ушбу муассасалар ходимлари иш ҳақини, муассаса тури ҳамда ходимлар малакасига қараб энг кам иш ҳақига нисбатан 60 фоизгача ошириш ҳақида таклиф тайёрлади».

ТЕГИШЛИ ЧОРА КЎРИЛДИ

Бизга Бешариқ туманидаги Қият қишлоғида яшовчи Фарҳоджон Умаров меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган миқдорда берилмаётгани ҳақида мурожаат қилган эди.

Текшириб чора кўриш учун юборилган мазкур хатга туман ҳокимининг биринчи муовини Т. ЭРКАБОЕВдан қуйидаги мазмунда жавоб келди.

«Шикоят хати нуфузли комиссия иштирокида ўрганиб чиқилди. Аризачи таъкидлаганидек, 1993 йилнинг июнь ойидан жон бошига 395 граммдан шакар берилган. Бу камчиликнинг ўрни кейинги ойларда тўлдирилди. Кўрилган чора ва тадбирлардан аризачи ва қишлоқ аҳолиси қониқиш ҳосил қилди».

«Халқ сўзи» аралашгач...

МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

«...Собиқ қўшним Қозоқова Ойбибига тегишли ҳеч ким яшамайдиган эски уй ҳамон бузилмаганлиги оқибатида янги қурган иморатимнинг томини ёполмаяпман. Бу ишга мутасадди жамоа хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раҳбарлари эса ўзгалар парваришига муҳтож, якка-ёлғиз яшовчи мен сингари бир ногиронинг илтижоларини инобатга олишмаяпти. Ҳадемай қишнинг қор-қировли изғирин кунлари бошланади. Мен эса ҳануз қулай-қулай, деб турган эски уйда яшаяпман. Илтимос, мададингизни дариғ тутманг»...

Хоразм вилоят Урганч тумани С. Қаландаров номли жамоа хўжалигида яшовчи Бобохон Отаниёзовнинг ушбу хати юзасидан Урганч тумани ҳокими Ш. Матниёзовга мурожаат қилдик. Газетамизнинг вилоятдаги мухбирлик қароргоҳига яқинда туман ҳокимининг ўринбосари Э. Оллаберганов расмий жавоб хати келди. Унда таъкидланишича, Отаниёзовнинг илтимоси бажо келтирилган. Иморат олдидаги эски ташландиқ уй текисланиб, унга тегишли бинонинг томини ёпиш учун шароит яратиб берилган.

II гуруҳ ногирони Б. Отаниёзов бахтсиз ҳодисага дучор бўлгунга қадар Урганч экскаватор-таъмирлаш ва қурилиш материллари заводларида, уйсозлик комбинатида меҳнат қилган. Мазкур корхоналар жамоалари ҳам савоб ишга бел боғлаб, собиқ ҳамкасбларига 1,5 тонна металл жиҳозлар, яна шунча цемент, 3 тонна оҳак ва 2700 дона ғиштни текин, 10 та йирик ҳажмли бетон плитани 50 фоиз арзонлаштирилган нархда беришибди. Ногирон йигит истиқомат қилаётган жамоа хўжалиги эса, 3000 дона ғиштни бепул беришга қарор қилди.

Расмий мактубда баён этилган факт ва далилларнинг ҳақиқатга мослигини аниқлаш, қолаверса муҳарририятдан мадад истаган мажруҳ шикоятчидан кўнгил сўраш ниятида яқинда Б. Отаниёзовнинг ҳузурига бордик. Ташландиқ бино чиндан ҳам текисланиб, янги иморатнинг олдида қурилиш-пардозлаш ишларини давом эттириш имкони вужудга келтирилибди. Б. Отаниёзов янги уйига кўчиб ҳам ўтибди. Ташрифимиз мақсадини англаган Бобохон миннатдор жилмайганча:

— Муҳарририятга йўллаган мактубим боис, мушкулим осон бўлди, кўнгилдагидек амалий ёрдам уюштирилди. Бунинг учун «Халқ сўзи» таҳририятига, Урганч тумани ҳокимлигига минг бора раҳмат ва ташаккур изҳор қиламан, — дея таъкидлади.

Ҳа, шундай оқ кўнгил ва меҳр-оқибатли кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли бир ўксик қалбли инсоннинг дили озгина бўлса-да малҳам топди. Меҳнаткашлар арзи-додига биргина Урганч туманида эмас, вилоятнинг бошқа кўпгина шаҳар ва туманларида ҳам эътиборли муносабатда бўлинаяпти. Чунончи, Ҳазорасп, Қўшкўпир, Хонқа туманларида, Урганч шаҳрида «Халқ сўзи»дан мадад истаганларнинг бари муродга етдилар. Бироқ фуқаролар хатларига муносабат ҳамма жойда ҳам бирдек эмас. Хусусан, ўтган йили Хива туманидан муҳарририятимизга мактуб йўллаган шикоятчиларнинг мактубларини вилоятнинг бошқа районларидагига қараганда анча кўпайди.

Тўғри, шикоятчилар ҳам ҳамиша ҳақ бўлиб чиқавермайдилар. Аммо ўзгалардан қонуний ва инсоний мадад ҳамда ҳиммат истаб ёзилган арзнома, илтимосномаларга нисбатан адолона ва ижобий муносабат, ҳожатбарорлик туйғуси талаб этилади. Ҳар бир раҳбар ўз ишига таниқидий нигоҳ билан қараган жойда адолат тантана қилади, фуқаролар оворан сарсон бўлиб юрмайди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПРОКУРАТУРА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Муҳарририятимизга Зармитан олтин қазиб чиқариш конидаги камчиликлар ҳақида шу кон ишчиси А. Қурбоновдан мактуб келган эди. Республика қимматбаҳо металлар Давлат қўмитасига текшириб чора кўриш учун юборилган мазкур хатга қўмита раиси Ш. Нажимовнинг имзоси билан қуйидагича жавоб келди:

«Зармитан конининг ишлаб чиқариш фаолиятида ва молиявий аҳволида камчилик ва ноаниқликлар юзага келаётганлигини ҳисобга олиб, қўмита ташаббуси билан 1989 йилдан бошлаб конининг фаолияти тўлиқ тафтиш қилинди. Тафтиш натижаларига кўра корхонанинг муҳандиси ва бош ҳисобчиси ўз лавозимларидан озод қилинди. Аниқланган молиявий хатоликлар юзасидан тўпланган маълумотлар Қўшрабод туман прокуратурасига юборилди.

Кондаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳволни соғломлаштириш мақсадида ўтган йилнинг октябрида Зармитан олтин қазиб чиқариш конига янги раҳбар тайинланди.

Қимматбаҳо металлар Давлат қўмитаси Зармитан конининг бир меъёрда ишлаши учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда».

ТЎҚҚИЗ ОЙКИ...

Мен бир мўйсафид одамман. Қизим Иргашова Найима Тошкент туман Кўксарой қишлоғида яшайди. Эри хизмат вазифасини ўтаётганда, машина босиб кетиб ҳалок бўлган эди. З ғўдак етим қолди. Унга боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайин қилинган.

1993 йил май ойидан шу нафақа пули келмай қолди. Шу масала юзасидан ўтган йили август ойида Тошкент вилоят ҳисоблаш марказига бордим. У ердаги ёш бир ходима арзимни тинглаб, «Ота кечиринг айб менда, пулни 10 сентябрда оласизлар», деб мени юпатиб чиқариб юборди.

Кутдик, нафақа пули яна келмади. Октябрь ойида яна бордим. Мени эшитиб Марҳамат исмли аёл «Бизни кечиринг, айб бизда» деб менга ўзининг хизмат телефони рақамини берди. 10 октябрь куни пул берилмаса, нима десангиз денг, деб яна қайтариб юборди. Қизимнинг нафақа пулини олмаганига 9 ой бўлаяпти...

М. МУҲАМЕДОВ.
Тошкент шаҳри.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

ЗАРАРЛИ ЮК ОЛИБ ҚОЛИНДИ

ТОШКЕНТ аэропортидаги транспорт милицияси ходимлари Мунералные Водига учаётган йўловчининг юклари орасидан олти килограммга яқин кўкнори топиб олишди.

Зарарли юк билан бирга йўловчининг ўзи ҳам учолмади, албатта. Наркотик моддани ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга бўлган уринниш юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Кўкнорини топишда милиция ходимларига аэропорт ходимлари яқиндан ёрдам беришди.

Хат-хабарлар олис қишлоқлару овуллардаги қайноқ ҳаёт нафасини бизга олиб келади. Уларда эҳтирос, эътирозу эътироф ҳам, танқиду таклиф ҳам мужассам. Бир мактуб муаллифи ютуқлардан кувониб ёзса, иккинчиси камчиликлардан куюниб ёзади. Хуллас, хат-хабарлар "Халқ сўзи"дек бир азим дарёнинг ирмоқчаларидир. Мана шу дарёдан ҳозирги кунда салкам саксон минг хонадон маънавий озуқа оляпти.

Муҳтарам газетхон, сизнинг мактубларингиздаги фикр-мулоҳазалар орқали биз ўз ишимизга холисанилло назар ташлаймиз. Қайси мавзуларни кўпроқ ёритиб, қайсилари эътиборимиздан четда қолиб келаётгани яққол намоён бўлади. Давр билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишимизда бизнинг меҳнатимизга - ютуқ ва камчиликларимизга холис баҳо берадиган ҳам сиз газетхонлардир.

Биз ана шу бирodарлигимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида эътиборингизга мазкур сўровномамизни ҳавола этяпмиз. Ижодий жамоамиз сизнинг таклиф ва истакларингиздан, фикр-мулоҳазаларингиздан келгусида, албатта, фойдаланади.

"Халқ сўзи" сўровномаси

Мактублар элчиларидир

I. "Халқ сўзи"ни ўқишингиздан мақсад:

1. Ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб бориш;
2. Қонун, фармон ва қарорларнинг бериб борилаётгани;
3. Иқтисодиётга алоқадор материаллар учун;
4. Реклама ва эълонлар учун;
5. Бўш вақтнинг беҳуда ўтмаслиги учун.

II. Сизни қайси мавзулар кўпроқ қизиқтиради ?

1. Иқтисодиёт.
2. Ижтимоий муаммолар.
3. Халқаро сиёсий аҳвол.
4. Тарихий мавзулар.
5. Қишлоқ ҳаёти.
6. Миллий қадриятлар.
7. Маҳаллалар ҳаёти.
8. Ҳусусийлаштириш.
9. Ҳарбий хизмат.
10. Саломатлик масалалари.
11. Оила муаммолари.
12. Ишсизлик.
13. Жиноятчиликка қарши кураш.
14. Тадбиркорлик.

III. Сиз яна қайси муаммоларни газета орқали кўтариш керак, деб ҳисоблайсиз ?

.....

IV. Газета саҳифаларида қандай саволларга жавоб олишни истардингиз ?

.....

V. Давлат, жамоат, маданият арбобларидан, машҳур санъаткорлардан кимлар билан "Халқ сўзи" орқали учрашишни истайсиз ?

.....

VI. Газетамизнинг қайси томонлари сизни қаноатлантирмайди ?

.....

VII. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот:

Ёшингиз .....
Касбингиз .....
Манзилингиз .....

Исми шарифингиз .....

Хатлар, шикоятлар ва оммавий ишлар бўлими.

• *Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига*

ЮЛДУЗЛАРДА ЭДИ ХАЁЛИ

(БАДИА)

Мақсуд ҚОРИЕВ

«О, юлдузлар, нўк тоқига осиб қўйилган минг-мнглаб марварид доналар! Сиз дуру жавоҳирлар-сиз! Кўксингизда хаёлларму ё туғёнлар сақлайсиз? Сиз осмон узра тароват ёки турфа қўшиқмисиз? Ахир кимсиз, тунлар порлаб, эрта тонгда қай манзилга кўчасиз?..» Ҳа, унинг хаёллари самодаги беҳисоб дунё—юлдузларда эди. Меҳр-муҳаббати ҳам, фикри-идроки ҳам сирли олам билан банд. Йилнинг барча фаслларида турли-туман манзаралар кашф этган бу ажиб дунёнинг қиёси йўқ гўзалликлари билан яшарди. Ҳаётининг мазмун-мундарижаси ҳам маърифий ишлар, илму ҳикматлар, риёзий тадқиқотлар эди.

Мана, ҳаммаёқни шафақ рангга бўяб Қуёш ботди. Бир неча дақиқа ўтиб-ўтмаёқ, юракка ғашлик солувчи ғариб оқшом чўкди. Заъфарон фасл эди ўшанда. Ёқимсиз совуқ шабада юзларга уриб, бадан-ни жунжитар, ўйлайсан, шу ғиз-ғизонли кунда иссиқ ошёнини тарк этиб, узоқ сафарга йўл олган карвон кимники ўзи? Улар она диёрларини ихтиёрий тарк этганму, ё мажбуриятданму?

Қаранг, ажиб бир гўзал манзара; эндигина туғилган уч кунлик Ой осмон юзасига чалқанча ётиб олибдур. Бобокалонлар айтмушларким: «Ой ўзига тинч, элга нотинч туғибдир», деб бундай дамларда. Табиатнинг бу ҳолати узоқ сафарга йўл олган сарбонга» ғуссали ҳаяжон туғдирар, нигун қалбларингга ғашлик соларди. Зеро, унинг ўзи жаҳонга машҳур ва маълум мунажжим ва аллома бўлса, устига шоҳ... Ахир Ой, Қуёш, Юлдузлар ҳаракатининг аниқ йўлларини, ҳажмини синчковлаб ўлчаган, аниқланган муҳаққиқ ҳам алломанинг ўзи-ку!

— Совқотмадингизми, олампаноҳ, — сўрайди алломани сафарга кузатиб бораётган Хожа.

Мирзо Улуғбек ҳамроҳига маъноли қараб қўяди, гўё шу топда бир сўз айтиш ҳам малол келгандек, кейин отига «чу» деб йўлида давом этади. Совқотса нима ҳам қилсун, иссиқ бошпана жой йўқ, ҳаммаёқ кимсасиз бийдай дала, қир бўлса.

Бебақо ёнар дунё экан бу, қарангки, куни кеча жаҳонни титратиб турган буюк Темурийлар сулоласининг таянчи, бекларбеги, тенги йўқ аллома Самарқанд султониясини тарк этиб, узоқ сафарга йўл олибдур. Энди унинг на тахти, на тожи бор, кузатиб борувчи навкарлари ҳам йўқ. Аркону давлат, бойлик барчаси мак-руҳ нарса экан; отани ўғилга, ўғилни отага душман айлайдиган, юз кўришмас қиладиган нарсалар ҳам ана шулар. Ғаламуслар ота-бола ўртасига низо солишиб, оқибат натижада орадаги меҳр-оқибатни йўқотдилар. Мирзо Улуғбекни дахрийликда айблаб, шу баҳона уни гўё «гуноҳлари»ни ювиш учун Каъбага ҳаж қилишга йўлладилар. Нечун? Илму ҳикмат соҳиби ё иймонли мусулмон фарзанди бўлганлиги учунми? Не қилсун, ўз пушти камаридан бўлган жигарбанди, меҳр қўйган ўғли падаркушлик қилди ўз отасига! Мирзо Улуғбек учун бундан оғир жазо борми эди, арзи додини энди кимга сўйласун!

Мана, азиз пойтахт Самарқанд ортда қолди. Юраги узилиб кетгандай, қалби эзилган. Нилгун самодаги ҳилолага яна бир бор нигоҳ ташлар, ҳаёлан «бу само маликаси бундай бепарволиги билан улус бошига яна не можаролар солур эркан», деб кўнглидан ўтказди. Карвон ҳамон йўл юрар, Мирзо Улуғбек бўлса ошифта хаёллар оғушида... Кечган умр — ёшлиги ҳам, йигитлик даври ҳам ортда қолди, умри оқар дарёдай ўтди-да кетди! Бобосини эслади, «қани энди рашид сарвар бобом ҳаёт бўлсайди, шу кўйларга тушмас эрди буюк салтанат!» Юраги ўксийди ўша доруломон кунларни эслаб. Ким эдию, ким бўлди... Нечун бобоси буюк Темур айтганларини кўнгилдагидек бажо келтирмади!

Отаси Шоҳрух мирзо Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати салтанатини саодатли фарзандига иноят айлар экан оталик шафқати юзасидан подшоҳона илтифот билан насиҳат айлаганда шундай ибратли фикрлар баён этганди:

«Энди давлат ва подшоҳлик қадрини билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтиргил ҳамда инсоф ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очиқ тутгил, барча ишларда оятдаги: Ё Довуд, биз сени ердаги ўзимизга халифа этиб тайин этдик, энди сен одамлар орасида ҳаққоний ҳукм юрит. ...олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан ўзингга яқин қилгин... Хулласи, барча ҳолларда ишнинг яхшиси миёнасидир, деган ҳадисга амал қилиб, ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлгин... деган сўзларга амал қилгил...» Ўша муборак панд-насиҳатлар ҳамон ёдида Улуғбек Мирзонинг. Аллома бобо-оталарининг панд-насиҳатларини жон-дил билан бажо келтиришга ҳаракат қилди. Аммо бу дунёда иғво-сотқинлик, ўғилни отага душман айлайдиган қонунлари ҳам бор экан. Самарқанд бўсағасида Абдулатиф лашкарлари билан бўлган ота-бола ўртасидаги муҳораба умр бўйи ёдидан чиқмас. Қандай оғир кунлар, шармандалик дамлар. Ҳаётнинг қаҳрини кўрингки, мағлубиятга учраган отани Самарқандга қўймадилар, ноилож Шоҳруҳияга йўл олди, унда ҳам қалъага киритишмади, кейин иложсиз қолган ота ўзини Абдулатиф ихтиёрига топширди... Дили ёнар шуларни эслаб, Аллоҳга ёлборар: «Эй сен оламни яратган яккаю ягона Аллоҳ, гуноҳларимни кечиргил, сендан фақат паноҳ истайман, сендан бошқа меҳрибоним йўқдир!».

Бобоси ҳам, отаси ҳам унга жанговар муҳораба санъатини эгаллаб олмоқни насиҳат айларди. Унинг бўлса нигоҳлари самога тикилган, Фикри-зикрида алжабр илми, илми нужум эди. Ким уни ҳикмату маъруфликка ундади? Шу аёзли куз оқшомида болаликдан унда билимга ҳавас уйғотган олижаноб тарбиячиси, шоиртабиат Ҳамза бин Али Малик Тусий не учундир ёдига тушиб кетди. Қандай соф виждонли инсон эди биринчи устоди. Бошқаларчи, ажойиб юлдузшунос ва риёзиюн аллома Қозизода Румий билан Самарқанд мунажжимлик мактабида кечган дамларини бир умрга ёддан чиқармайди. Моҳир уста Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъудчи? Унинг самони кузатиш мақсадида кашф этган ноёб асбоби алломанинг фалакиёт тадқиқотларида қанчалик қўл келган. Шу каби олими замон Муиниддин ва унинг ноёб талант соҳиби бўлган ўғли Мансур Кошийни унутиб бўладими? Ё бўлмаса, «севимли ўғлим» деб ардоқлаган зукко олим Али Қушчи қайда қолди экан? Ғариб кўнгли тусаб қолди ўшаларни, яна кўриш насиб этармикин қадрдонларини...

Карвон борар, манзил олис. Сафар йўлларининг азоб-уқубатлари ҳали олдинда. Қоронғи туша бошлади, зим-зиё кечада сайёралар яна ҳам ёрқинлашар, сипеҳр узра янги туғилган Ой нигун 'кўнгилларга яна ҳам ғамноклик солиб қибла томон ботиб борар. Кавкаблар дунёсидаги ҳар бир юлдузнинг ўз жойи, ҳажми бор. Минг ўн саккиз ахтарнинг ҳолати буюк мунажжимга маълум; аммо қолган миллион-миллион осмон жисмларичи? Сирли олам, беқиёс дунёдир улар!

Шу аснода қир бағрини ёриб келар бир суворий, шитоб билан шул томонга елиб чопар. Нима бўлди, яна қандай совуқ хабар кутар уни, балки бирор муждали сўз келтирган бўлса Самарқанддан ажаб эмас, ахир олам фақат ғаму андуҳлардан иборатмас-ку! Қоронғу зулматдан сўнг, нурли кун келур. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ»дур. Қадим удумларда шундай демишлар.

Етиб келди чопар бир зумда, устида мушкфон чекман, бошида қалпоқ, минган оти чопаберib кўпириб кетган.

— Фармони олий келтирдим, олампаноҳ, яқиндаги қишлоқда тўхтаб ўтмоқ амр этилмиш, сафарга зарур анжомлару, озиқ-овқат деганларидай. Билсангиз, фарзандингиз Абдулатифнинг меҳрибонлиги бу...

«Кошки эди шундай бўлса, Аллоҳ унга инсоф бериб, тош қалбини оз бўлса ҳам юмшатсайди...» кўнглидан ўтказди Улуғбек. Чиғатойи чопарнинг гаплари поймапой, қовушмасди, тик қарамас ҳукмдорга.

Улуғбек Мирзо йўл бошловчи Хожага юзланади, ундан хайрли маслаҳат чиқармикан, дегандай. Карвон ичра фикр олмоқ учун қўй оғзидан чўп олмаган шу мушфиқ зотдан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Шундай фармон бўлса, чакки бўлмас олампаноҳ, ўзингиз ҳам чарчагансиз, бир кеча дам олиб субҳидамда йўлга чиқсак...

Фикрлари олам кезар, ҳардам хаёл. Бу ташрифнинг маъносига ақли хуши етиб турибди-ю, аммо алломанинг кўнгли эзгуликни истар эди, нима ҳам қилсун, ўзи ожиз аҳволда бўлса, илож йўқ, ҳимоясиз... Бу ерда хиёнат бор, бўлмаса шунча ердан азза-базза чопар келиши зарурмиди, яна кимнинг наъмасига ўйнамоқда тўнғич ўғли. Куни кеча туш кўрганди: Бобоси Темур жаннатсимон бир боғчада савлат тўкиб турган эмиш, эгнида ҳарирсимон оқ либос. Улуғсифат, худди ҳаёт чоғидагидек. «Бобожон» дея отилибди соҳибқирон қучоғига, тўхтатолмас кўз ёшларини. «Бобожоним мени ташлаб қайга кетиб «қолдингиз», деб хўнг-хўнг йиғлар эмиш. Амир Темур севиб-севиб босар эмиш неварасини иссиққина қучоғига. Аммо ўзи не учундир самоларга тикилармиш. Шунда осмон узра катта ёруғ фазоларда из қолдириб учиб кетган эмиш бўшлиқларга.

— Бу сенинг саъд ахтаринг, Улуғбек Мирзо, — дебди неварасининг бошини силаб Амир Темур Кўрагоний.

Шундан бери безовтадир. Кўрган туши хаёлидан кетмас сира, аммо бу ҳақда у ҳеч кимсага сўз айтмади, таъбирини сўрамади, пинҳон тутди. Ўйлаб-ўйлаб, оқибатда сувга айтди ғарчасини оқизмайтомизмай. Эл-улусда қадимлардан шундай одат-удум бор: Кўрган тушни сувга айтмоқ.

Хуфтон чоғи етиб келди карвон аҳли бир чорбоққа. Кимнингдир дала-боғи бўлса керак, совуқ тушгач, кўчиб кетган шаҳардаги ҳовлисига. Кенг хонага кўрпача тўшаб, жой қилишди. Гулхан ёқиб юбордилар кўплашиб. Қарабсизки бир чеккада доғ қозон ҳам осилабди. Алломанинг баданига бир оз бўлса ҳам қон юришгандай, «олтой пўстини»ни ёпинганча қўлларини оловга тоблар жони кириб. Эртадан бери туз тотмаган йўловчилар иштаҳасини қўзғатар эди қобил шўрва. Кўп шохона дастурхонлар тепасида ўтирганди олампаноҳ; барра кабоб, ёғлиқ палов, паррандаю-даррандалар гўштидан ҳозирланган турли-туман пархез таомлар. Подшоҳлар дастурхонида нималар бўлмайди, дейсиз. Аммо шу топда ғариб кулба, ҳовлисида қайнаётган қобил шўрвани ҳеч нарсага алишмасди Улуғбек Мирзо.

Шўрва қайнар, гулхан ёнар липиллаб. Қандай сирли сокин кеча. Аммо жимжитликда қандайдир ғалаён бордек... Олов тили билан ўйнашмоқда олампаноҳ. Кўнгли шу чоқ бир оз бўлса-да таскин топгандай, ғам-андуҳларни унутгандай. Хожа билан хуфтон номозига қўзғолишди. Ғусул айлаб, таҳорат олдилар икков. Жойномозни энди ёзиб: «қиблам бўлган муқаддас Каъба томон юзландим холис, Аллоҳ учун», деб такбир айлаб «Аллоҳи акбар», деган ҳам эдиларки, эшик қаттиқ зарб билан очилиб кетди, шамол бўлса керак, ақл эгаларининг 'олтин боши қилич тагида янчилгай, бу ҳақиқат, тарих сабоғи.

Улуғбек Мирзонинг ғазаби қўзғаб, сотқинларга дедиким:

— Қандай журъат этдинг, эй шайтони малъун, қилич кўтармоққа буюк Темур авлодига?!

— Вақти соатингиз етди, олампаноҳ. Кўрқмангиз, азоб бермай осонлик билан бошингизни кесурмен, иймон келтиринг!

— Тилимда ҳам, дилимда ҳам Аллоҳнинг номи, аммо сен бўлсанг, олчоқ ва сотқин!

— Шак келтирдинг шариатга, шаккоклик-ла даҳрийлик қилдинг! — деди сансираб Аббос.

— Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун қарз ва фарздир агар билсанг, бу Аллоҳнинг сўзидир! Тарих шоҳид, мен яратган илми нужум, ал жабр ҳам «Зиж»ийим билан жаҳон ичра достон бўлғай, шуни икки қулоғинг билан эшитиб ол.

— Бас қил, етар, сафсатани! Кунинг битди, имзо чекилмиш ўлим ҳукмига!

— Абдулатиф-чи, бехабарми бу сотқинликдан?

— Унинг ўзи рози бўлмай кўрсин-чи, у шоҳ эмас, гўё қўғирчоқ.

— Тилингни тий. Нега рози бўлсин, мен шоҳ эмас, ахир унга падармен!

— Жазосини олур ўғлинг ҳам, боши кетар яқин кунларда!

— Ё раб, не савдолар кечмоқда ўзи, наҳотки кунимиз шу қонхўр иблисларга қолибдур! Эссиз, аҳмоқ, нодон оқпадар ўғил!

Улуғбекнинг жони келди хиқилдоғига:

— Сотқинлар, қотиллар!!! —деди наъра тортиб.

Кейин шундай бир қудратли зарб билан Аббос малъуннинг кўкрагига чунонан қаттиқ мушт урдики, иблис гандираклаб кетди, бошидаги достори учиб тушди, шайтон боши шаъмнинг хира нурида ялтирарди калнинг бошидек. Мирзо иккинчи зарбни урмоқчи эди, аммо шериги—девсифат махлуқ Улуғбекнинг қўлларини ушлаб, орқасига бураб-қайириб, кейин иккиловлашиб судраганча олиб чиқдилар сувнинг бўйига.

Қисматни қарангки, Темур сулоласининг асл вориси буюк аллома сотқинлар қўлида ўлим азобини чекарди. Байтул Муқаддасга йўл олган ҳукмдор ғариб бир хонадонда намоз адо этаётган муқаддас онда олчоқлар томонидан қатл этилса, бу қандай бедодлик, ўта ахлоқсизлик эмасми? Аллоҳ гувоҳдир, бу фожиага! Қотиллар разил қилмишлари учун ёнмат куни Ҳақ олдида жавоб берурлар.

Шундай қилиб, девсифат малъун кимса кучли қўллари билан эгиб турди алломанинг бўйи-бастини, қўй каби бошини қўйди жаллод қиличига. Ўткир тиғ билан кесди шум Аббос Улуғбек Мирзонинг азиз бошини... Ўзи билмай қолди шу дақиқа нелар кечганини: Зимистон дунё-ю, шафақранг қибла, уч кунлик ўроқ Ой... Шу алфоз ёруғ дунёдан кўз юмди Улуғбек Мирзо — Аллоҳ даргоҳига кўчди...

* * *

Мирзо Улуғбек Кўрагонийнинг Самарқанддаги «Гўри Амир» мақбарасидаги қабр тошига тубандаги муборак сўзлар битилган:

«Нур билан тўлган бу қабр жабрдийда шаҳид ва ўз васли бирлан жаннатул маъни мунаввар қилгон подишоҳи олийнинг муаттар равсасидир. Мағрур ва марҳум, олим ва фозил ҳақон, дину —дунё ҳомийси улуғ султоннинг сўнгги оромгоҳидир. Аллоҳ унинг қабрини нурафшон айласун! Унинг бахт юлдузи билан туғулиши султонияда, «осойишталик шаҳри» Самарқандда 796 йил зу-л ҳижжи ойида содир бўлган, Аллоҳ измидан чиқмай, эл-юртга адолатпарварлик билан ҳукумронлик этган, «ҳар бир инсон ўзига ажратиб берилган муддатга қадар яшайди», қачонки, тақдир белгилаб қўйган вақт-соати етганда, унинг ўғли отосига нисбатан ҳақсизлик йўлини тутади ва ўткир ханжар билан бошини танасидан жудо айлайди, оқибат — натижада 853-йил пайғамбар ҳижри рамазон ойининг ўнинчи кунида қийноқли ўлимга маҳкум этилган, сўнг барчани кечирувчи Аллоҳнинг Меҳр-Шафқат даргоҳига кўчган».

ЭЪЛОНЛАР

Ҳўжалик ҳисобидаги "МАҲОРАТ" корхонаси

Ташкилот қуйидагиларни тайёрлайди ва сотади:
- 0,25 ҳажмдаги электр бетон қоргичлар;
- кичик пластмасса йўнувчи мослама;
- айвонлар (1,8 X 2,2 ; 2,0 X 2,5 м).

Тошкентдаги телефон: *62-22-82*

соат 8 дан 17 гача.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ ТОШКЕНТ БЎЛИМИНИНГ "НИЛУФАР" ДАВЛАТ КИЧИК КОРХОНАСИ.

НИЛУФАР

Тижорат юкларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва МДҲ мамлакатларида ташиш учун почта-юк вагонлари билан таъминлайди.

Мижозларнинг хоҳишига қараб Ўзбекистон республикасига юк олиб келиш учун МДҲнинг исталган жойига вагонлар етказиб беради.

Тижорат юкларининг маҳфийлиги ошкор қилинмаслигини ва тўла сақланишини кафолатлайди.

Вагонларнинг почта-юк ва йўловчи поездлари таркибида темир йўл жадвали бўйича ҳаракат қилишини таъминлайди.

1994 йил қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини МДҲ мамлакатларига ўзаро фойдали тарзда сотиш юзасидан Тошкент вилояти жамоа ва давлат хўжаликлари билан шартномалар тузади. Шартнома тузган хўжаликларнинг юкларини ўз вагонларида белгиланган манзилга навбатсиз етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Муҳтарам мижозлар !

Биз Россия ҳудудидаги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан тўғри алоқадамиз.

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги, Ғафур Ғулом кўчаси, 1а уй.

Республика шаҳарларидан қўнғироқ қилиш учун:

8 276 07 *рақамлари терилади, коммутатор жавоб бергач, қуйидаги рақамни улаб бериш илтимос қилинади:*

2 - 84 - 41

Тошкент шаҳридаги телефон:

рақамлари: 33-78-79, 92-39-01 соат 19 дан 22 гача.

қуйидаги телефонга: 76-25-34.

Нақдинасиз сўм-купонларга!

Сотув муддати 10 февралгача чўзилди!

SONY *сеҳргарлиги - оилангиз учун*

• *1994 йил—Халқаро оила йили*

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Фарғона шаҳар ҳокимлигининг янги йилдаги дастлабки йиғиларидан бирида «Халқаро оила йили» муносабати билан амалга оширилади-ган тадбирлар муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Тадбирда кўзда тутилганидек, йил давомида «Аҳил оила — мустаҳкам мамлакат» шиори остида кўрик-танловлар ўтказилади. Яқин кунларда эса бешта маҳаллада ўтказилаётган «Энг яхши оила» кўригига якун ясалади. Ёрмозор, Фарғона, Бешбола қишлоқ кенгашларида ўтказилиши кўзланаётган оила тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, аҳиллигига қаратилган танловнинг ҳам ғоят қизиқарли бўлиши кутиляпти. Мактабларнинг юқори синф ўқувчилари «Оила» мавзуидаги энг яхши ижодий иншо учун ўзаро баҳс бойлашади. «Спортни севган оила» мавзуидаги беллашув бу соҳа ихлосмандлари сафини кенгайтириши, шубҳасиз.

Йиғилишда шаҳардаги иқтисодий ночор оилаларга «Наврўз», «Хайрия» жамғармаларидан кўмак бериш ҳақида гапирилди. Бу хайрли тадбирни Фарғона гўшт, ёғ-мой комбинатлари, пойабзал фабрикаси, «Ипак йўли» корхоналари қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪЗОЗДА

Мустақил республикамизда оила тотувлиги, эртамиз эгаларининг соғлом, илм-маърифатли кишилар сафида камол топиши йўлидаги саъй-ҳаракат нуфузли халқаро ташкилот БМТнинг ташаббусидан анча илгари бошланган эди. Республикамизда таъсис этилган энг биринчи нишон — «Соғлом авлод учун» ордени ҳам шундан далолатдир.

Албатта, бу олий нишонга биринчи навбатда эл назарига тушган ибратли онлаларнинг вакиллари сазовор бўладилар. Яқинда вилоят адлия бошқармаси, Фарғона шаҳар ҳокимлиги, шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиб бериш бўлими билан ҳамкорликда янги туғилган чақалоқларга туғилиш гувоҳномаларини топширич тантаналарини ўтказди. Фарғона шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудири М. Муҳамедова 20 нафар чақалоқнинг ота-оналарига инсон ҳаётидаги дастлабки расмий ҳужжатни— туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни топширди.

Маросимда сўз олган ёш она М. Маъмурова, жамоатчилик вакиллари, Қаҳрамон оналар юртимизнинг тинч ва осойишталиги, болалар собиқ Иттифоқнинг айрим минтақаларида бўлгани каби оч-юпун, ўқ-дорилар остида эмас, балки эмин-эркин, бахтли ҳаёт кечираётганликлари учун республика раҳбариятига миннатдорчилик билдирдилар.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ШАРОФАТИ

НАМАНГАН вилоятида шу пайтгача 4159 саноат, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирилди. Натижада биргина Наманган шаҳридаги «Шарқ» пойабзал бирлашмасида ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Умуман, вилоятдаги 2850 та қўшма корхона, хусусий корхона, ширкатлар, ҳиссадорлик жамиятлари, фирмалар йил давомида 11,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотдилар.

А. МАДАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раҳбарияти ва Котибияти Халқаро ишлар қўмитаси масъул ташкилотчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Н. Саъдуллаевга отаси **Саъдулла Ота ТУРДАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги шу вазирликнинг етакчи маслаҳатчиси Бахтиёр Розиқовнинг волидаи муҳтарамаси **Турсуной РОЗИҚОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари, «Одобнома» кафедраси жамоаси кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент **Сафар ЎТАНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Примқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г — 754. 77698 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 22.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6